



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 25 июнь, № 124 (6559)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ

2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ-ЧЛЕНОВ
ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА
ТАШКЕНТ-2016



上海合作组织成员国元首理事会会议
塔什干-2016



ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон

имзолаган ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида тузилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган.

ШХТ Хартиясида аъзо давлатлар мустақиллик, ҳудудий ахиллик ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро англашув ва фикрларни инобатга олиш, ички ишларига аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва қелишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш таъминлашга амал қилиши қайд этилган.

Ўтган 15 йилда ташкилотнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди, котибияти ва таркибий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. ШХТ нуфузли давлатлараро ташкилот сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгал-

лади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Ўзбекистон ташкилотнинг асосчиларидан бири, улкан иқтисодий ва геосиёсий салоҳиятга эга давлат сифатида унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимиз ШХТга савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, ғиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда муҳим восита сифатида қараydi.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи мартаба раислик қилмоқда. Мамлакатимиз ШХТга 2003-2004 ҳамда 2009-2010 йилларда раислик қилган.

Ўзбекистоннинг ташкилотга биринчи раислиги ҳам ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи — Минтақавий ақсил-террор тузилмаси ижроия

қўмитаси очилган. Хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви йўлга қўйилган. Бу ишлар ШХТнинг асосий мақсадларидан бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

2004 йилдаги саммитда ШХТнинг ваколатлари ва имунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ШХТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низоми ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланган. Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистонга ШХТ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми берилган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўша йилги саммитга Афғонистон раҳбари илк бор меҳмон сифатида таклиф қилинган. Кейинчалик Афғонистон ШХТ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг иккинчи раислиги даврида амалга оширилган ишлар ҳам ШХТ

фаолиятини янги босқичга кўтарди. 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузилма билан ўзаро алоқаларига асос бўлиб келмоқда.

2010 йил 11 июнь куни Тошкентда ўтган саммитда, шунингдек, ташкилот доирасидаги масалаларни ҳал этишда муҳим ҳужжатлар — ШХТнинг иш юритиш қоидалари ва ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 11 июлдан буён ташкилотга раислик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз аъзо давлатлар билан биргаликда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро алоқалар мувофиқлашувини яхшилаш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини кучайтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширди.

ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг 15 йиллик фаолияти асосий натижаларини кўриб чиқдилар. Ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллагани алоҳида таъкидланди.

Мажлисида халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа кўринишлари бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек хавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга фақат ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди.

ШХТ Хартияси қоидалари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ,

ўқ-дори ва портловчи моддалар билан ноқонуний савдога, оммавий қирғин қуроллари ва уларни етказиб бериш воситалари тарқалишига қарши биргаликда курашиш ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш ва бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, хавфсиз, холис ва очиқ ахборот маконини яратишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисида кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, минтақа ва дунёдаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Иқтисодиётнинг пасайишига қарши самарали курашиш борасида тажриба алмашиш, инновацион технологияларни жорий қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида узоқ муддатли ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш ва инфраструктурани ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида транспорт коммуникациялари, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари — Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф, саммит меҳмони — Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов ҳам иштирок этди. Шунингдек, мажлисида ШХТ Бош Котиби Рашид Алимов, Минтақавий ақсил-террор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 июнь куни Кўксаройда Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж билан учрашувлар ўтказди.

Ислам Каримов Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувда унинг юртимизга илк ташрифи мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг тарихи муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш.

Ўзбекистон ҳамisha

“Қўшнинг тинч — сен тинч”, деган ҳикматга амал қилиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг иқтисодиётини тиклаш тарафдори бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилмоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 14 фоиз ошди.

Учрашувда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти самимий учрашув учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Афғонистон мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев учрашу-

вида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон минтақада тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли бунга яққол мисолдир. Ушбу замонвий транспорт йўлаги мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

УЛУҒ ШОИР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 июнь куни атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ҳайкали қад ростлаган майдонга ташриф буюрдилар.

Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил-иноқ истиқомат қилаётган мамлакатимизда барча миллат вакиллари аниқлашди, урф-одатларини асраб-авайлашга оид ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида адабиёт ва санъатни рағбат топтириш, шунингдек, жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия халқ-

лари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади. Пушкин ҳайкали ўрнатилган майдон пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг сеvimли масканларидан биридир. Ўзбекистонда Рус миллий маданият маркази ишлаб турибди. М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Москва шаҳри марказида

буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали қад ростлаб турибди.

Ўзбекистонда жаҳон мумтоз адабиёти намоёндаларининг ўлмас меросини ўрганиш, тарғиб этиш, улардан ёш авлоднинг умумбашарий эзгу гоялар руҳида тарбиялашда кенг фойдаланишга оид эзгу ишлар А. С. Пушкин ижодини ўрганишда ҳам яққол акс этмоқда. Жорий йилда Александр Пушкин таваллудининг 217 йиллиги кенг нишонланди. Асарларида тинчлик, дўстлик, муҳаббат, эркинлик гояларини тараннум этган шоир ижодида бағишланган турли кечалар, маърифий тадбирлар ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жеффри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва умуман, дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминладиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланишини маъқулладилар.

Музокаралар якунида ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш

стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

ШХТ Бош котиби Рашид Алимов Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги тарихий аҳамиятга эга бўлганини, бу даврда барча тadbир, жумладан, Тошкент саммити юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси халқи ва раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан ШХТнинг Тошкент саммити якунига етди. У ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва хавфсизлиқни мустақамлаш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида ШХТ тарихидан алоҳида ўрин олади.

ШХТга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

Сарвар ўРМОҲОВ олган сурат.

ДАВР ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВЛАРИ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Алмазбек Атамбоев самимий учрашув учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ШХТ саммити ўрнак оладиган даражада юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қирғизистон Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустақамлашга интилишини қайд этди.

Ислом Каримов Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн билан мулоқотда унинг юртимизга илк ташрифини мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожида муҳим воқеа, деб билишини таъкидлади.

Покистон Ўзбекистонга яқин қўшни, улкан иқтисодий сало-

ҳиятга эга давлат. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва хавфсизлиқни мустақамлашда муҳим ўрин тутди.

Давлатларимиз минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Покистоннинг ШХТга аъзо давлат сифатида қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, ташкилотга раислиги даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бу борада Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Саммит доирасида ШХТда аъзо давлат мақомини олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши унинг амалий натижаси бўлди.

Учрашувда ўзаро алоқаларни

ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Мамнун Ҳусайн Ўзбекона меҳмондўстлик ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбегдорж билан учрашувда унинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро ҳамкорлиқни фаоллаштиришга кенг йўл очишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Мўғулистонда ҳамкорлиқни ривожлантириш учун имкониятлар кўп. Турли

ЎЗА.

УЛУҒ ШОИР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Пушкин ҳайкали пойига гул қўйдилар.

Майдонда амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистонда жаҳон адабиётининг буюк намояндалари қатори Александр Сергеевич Пушкин ижоди, адабий мероси юксак қадрланиши, шоир хотирасига бунёд этилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифи

ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидлаб, самарали музокаралар учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга оширган ишларга юксак баҳо берди. Ишчанлик руҳида ўтган Тошкент саммити ШХТ давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Тошкент халқаро аэропортида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

ЎЗА.



Авло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Хорижлик экспертлар ШХТ саммити ҳақида:

«ТОШКЕНТ ОСИЁНИНГ СИЁСИЙ ПОЙТАХТИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА»

Кеча Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари Кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзаро ишонч, манфаатдорлик, тенглик, маданиятлар хилмаҳиллигига ҳурмат ва биргаликда тараққиётга интилишни ўзида муҷассамлаштирган “Шанхай руҳи” Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро алоқалар замонавий тизимининг нуфузли иштирокчиларидан бири сифатида ўрин топишида асосий омил бўлди.

АҚШ давлат котибининг

Жанубий ва Марказий Осиё

бўйича ёрдамчиси ўринбосари

Даниэл Розенблумнинг

фикр билдиришича, ШХТ фаолият кўрсатаётганидан буён АҚШ унинг ривожланишини алоҳида қизиқиш билан кузатиб келади. Жўрофий жойлашуви, демографик ўзига ҳосликларини ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалаларидаги марказий ўрни билан Ўзбекистон ШХТда етакчи давлатлардан бири бўлиб қолмоқда.

Стратегик ҳамда халқаро

тадқиқотлар маркази (АҚШ)

нинг Евросиё ва Россия бўйича

дастурлар директори ўринбосари Жеффри Манкоф

нинг мулоҳазасига кўра, Россия, Хитой, Марказий Осиё мамлакатларидан иборат ва ҳадемай, Ҳиндистон ҳамда Покистон каби давлатларни ўз сафига оладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўта йирик халқаро тузилмадир. Унинг ноёблиги шундаки, ташкилот, биринчидан, ҳам иқтисодий, ҳам хавфсизлик масалалари билан шугулланади, иккинчидан эса, қарорлар қабул қилишда ўзаро консенсус механизмига эга. Бу эса тузилмага аъзо мамлакатлар ёндашувларининг хилмаҳиллигидан қатъи назар, биргаликда амалга ошириладиган ишлар натижасининг самарали бўлишига имкон яратадди.

Мудофаа ва хавфсизлик

нинг халқаро масалалари

тадқиқотлари бўйича Қироллик

Бирлашган хизматлар инсти

тутти директори (Буюк Британия)

Рафаэлло Пантуччининг

ҳисоблашича, ШХТ катта истиқболга эга ташкилот бўлиб, унга халқаро майдонда етуқ тизим, глобал ҳамда минтақа микёсида барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг ишчан органи сифатида катта умидлар боғланмоқда.

ШХТнинг 15 йиллик фаолияти

ти давомида мамлакатимиз унда учинчи марта раислик қилишдек масъулиятли миссияни ўз зиммасига олди. Бу даврларнинг ҳар бирида Ўзбекистон томони-

дан кейинчалик ҳаётда ўз амалий ижобатини топган муҳим ва долзарб аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди. Республика жорий йилги раислиги давомида ШХТга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб берадиган, ўзаро наф келтирадиган ҳамкорлиқнинг ривожланишига, унинг давомийлиги ҳамда изчил мустақамланиши таъминлаш борабарида, ташкилотнинг жаҳондаги обрў-эътибори оғишмай ўсиб боришини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттирди.

— Ушбу саммит интихоси билан ташкилот тузилганлигининг 15 йиллигига тўғри келган Ўзбекистон раислиги ниҳоясига етди, — дейди Р. Пантуччи. — Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳақида бирлашма раислиги вазифасига масъулият билиб ёндашган ва самарали равишда унинг улдасидан чиққан. Мушлакка аёниқ, навбатдаги фахрий миссия доирасида ҳам республика кенг куламли ишларни амалга оширди.

ШХТ доирасида илгари сурилган ҳамда ҳаётга татбиқ қилинган ташаббусларнинг муҳимлиги ҳақида фикр билдираркан, **ташкilotнинг собик Бош котиби Дмитрий Мезенцев** қўйидагиларни қайд этди:

— Айнан Ўзбекистон шафелигида кузатувчилар тўғрисидаги низои қабул қилинди, уларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги механизми белгилаб олинди. Биз Тошкентда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тизими фаолиятини ташкил қилган ва қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон томони олиб бораётган ишларга катта ҳурмат билан қарайми.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ҳар йили ўтказиб келинаётган учрашувларининг ташаббускори бўлди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2000-йиллар бошида бўлгани сингари ҳозир ҳам минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорлиқни таъминлаш масаласига энг устувор вазифалардан

бири сифатида қарашидан далолат беради.

Россия Федерацияси

Давлат думаси депутаты,

Мудофаа бўйича кўмита аъзоси

Тимур Акуловнинг

сўзларига кўра, халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалаларининг долзарблиги ҳисобга олинган экан, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги доирасида Тошкентда ўтказилган тadbирларнинг қамрови ҳамда аҳамиятига муносиб баҳо бермаслик мумкин эмас. Бунинг учун ташкилотга аъзо мамлакатларнинг дунё иқтисодиётидаги умумий ҳиссаси ва салоҳиятини тасаввур қилишнинг ўзи кифоядир.

— Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таҳдид ва хавф-хатарларини бирдек қўриш, уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича бир хил ёндашувлар ШХТ муваффақиятли фаолиятининг энг муҳим шарти ҳисобланади”, деб айтган фикрларига тўла қўшиламан, — дейди Т. Акулов.

— Шунингдек, “Терроризм билан курашишда уларнинг фақатгина бузғунчи қурали ва таянч нуқталарини бартараф қилиш билан чекланиб қолмасдан, яъни мазкур таҳдидларга қарши фақат куч ишлатиб эмас, балки инсон онгини захарлаётган ҳамда терроризмини молиялаштираётган марказлар билан муросасиз кураш олиб бориш керак”, деган фикрларига ҳам қўшиламан.

“Келишув” социал-демократик партияси (Латвия)

бошқаруви аъзоси Александр

Саковскисининг

таъкидлашича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти босқичма-босқич, ишонч билан кенгайиб бораётир, халқаро микёсдаги жиддий ташкилотга айланмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг мазкур ташкилотда кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мақомига эга бўлишни истаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

— Ўзбекистон ўз раислиги доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясида белгиланган асосий тамойилларга, жумладан, очиқлик ҳамда блокларга қўшилишдан холи бўлишликка қатъий риоя қилгани ҳолда, халқаро ва минтақавий муаммоларнинг ҳал этилишида мафкуралашган ҳамда қарама-қаршилик ёндашуви йўлидан боргани йўқ, — дейди А. Саковски. — Бундай ёндашув, шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти-нинг келажақдаги самарали фаолиятига кўмаклашади.

Озарбайжоннинг “Янгиликлар”

халқаро матбуот маркази директори, Сийёсий шарҳловчилар клуби раҳбари

Ильгар Вализода

мамлакатимизнинг ШХТга раислиги даврида мазкур тузилманинг нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунёда обрў-эътибори ҳамда таъсири ортиб бораётганини таъкидлади.

— Шубҳа йўқки, бунда Ўзбекистоннинг хизмати катта. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлиқни мустақамлашга йўналтирилган прагматик ташқи сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон минтақавий ривожланишнинг мураккаб муаммолари ҳал этилишига кўмаклашиш мақсадида ШХТнинг барча аъзо мамлакатлари билан шериклик муносабатларини раванк топтиришга жиддий ҳаракат қилмоқда. Диний экстермизм, қурол-yarоннинг ноконуний айланиши, наркотрафик бўшан курашга Ўзбекистон қўшган ҳиссани юқори баҳолаш лозим бўладики, унинг самарадорлиги амалда ўз исботини топмоқда.

Тошкент фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан том маънода яхши йўлга қўйилган ҳамкорликка эришиш, сўзда эмас, балки амалда ШХТнинг яққол салоҳиятини кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бу тузилма китъанинг етакчи давлатлари ўртасида хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётнинг турли масалалари бўйича мулоқот учун ишчанлик майдони бўлиб қолмишда давом этмоқда, — дейди озарбайжонлик эксперт.

“Сийёсий воқеалар”

haftalik журнали бош муҳаррири

Мохан Дхар (Ҳиндистон)

фикр билдирганидек, ушбу ташкилотга янги аъзоларнинг қабул қили-

ниши учун меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилгани Ўзбекистоннинг ШХТда учинчи раислиги давридаги асосий хизматларидан бири ҳисобланади.

— Ишончим комилки, 2016 йил Ҳиндистоннинг замонавий тарихида энг муҳим даврлардан бирига айланади. Ҳиндистон учун ШХТ — янги мезонлар йўли, биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама этиш имконияти. Мамлакатимиз ҳақида ШХТга таппинган, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга интиланки, мазкур ташкилот, ҳеч муболағасиз, бугунги кунда дунёнинг энг обрўли ва ўз эътирофини топган тузилмаларидан бири ҳисобланади.

Францияда нашр этиладиган “Tachkent — Paris”

журнали бош муҳаррири Сильви

д’Изарн

ҳам худди шундай мазмундаги фикрларни билдирди.

— ШХТ Давлат раҳбарлари Кенгашнинг Тошкентдаги йиғилиши ШХТ солномасида янги саҳифани очди, унга аъзо мамлакатларнинг сиёсат ҳамда хавфсизлик, иқтисодиёт ва транспорт коммуникациялари, шунингдек, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги янада ривожланишига туртки беради, — деб ёзади франциялик журналист. — Бу саммит икки мамлакат — Ҳиндистон ҳамда Покистон учун алоҳида босқич бўлди. Учрашув якунлари бўйича давлатлар раҳбарлари ШХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини олиш учун бу икки мамлакатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумларни имзоладилар.

Ўз навбатида, **Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори Ли Синь** қайд этганидек, бугун жаҳонда мураккаб вазият ҳукм сураётган бир шароитда Ўзбекистон масъулиятли миссияни ўз зиммасига олди ва ШХТ Хартиясида муҳрлаб қўйилган мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ташкилотнинг мустақамланишига катта ҳисса қўшди.

— Биз Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги йилларида жуда салмоқли ишлар амалга оширилганини қўриб турибмиз, — дейди хитойлик эксперт. — ШХТ шартнома базасининг мустақамланишида ва муносиб иштирокчиларнинг янги доираси белгиланишида ижобий натижаларга эришилди. Тошкентда ШХТ қатор тузилмаларининг — хавфсизлик кенгаши котиблари учрашуви, ташқи ишлар вазир-

лари кенгаши йиғилиши, маданият вазирлари кенгаши ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар миллий мувофиқлаштирувчилари кенгашнинг мажлислари муваффақиятли ўтди. Ташкилотнинг Ўзбекистон пойтахтидаги саммити якуновчи босқич бўлди, унда ШХТ ташкил топган 15 йил давомидаги фаолиятининг якунлари қўриб чиқирилиши борабарида, унинг келгуси тараққиёт йўллари белгилаб олинди.

Аксарият халқаро таҳлилчилар

таъкидлаётганидек, Тошкент саммити тарихий воқеа, унинг натижалари эса ташкилот ривожидан олдинга қараб ташланган қатъий қадам бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Ўзбекистоннинг ШХТга бундан олдинги муваффақиятли раислигидаги тажрибаси ва республикада ШХТ Давлат раҳбарлари Кенгашнинг мажлисига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишларга жаҳон ҳамжамияти томонидан берилган юқори баҳо-лар бунинг яққол далолатидир.

Масалан, Испания Шарқшунослар ассоциацияси бош котиби

Хесус Хил Фуэнсента

нинг билдиришича, мазкур анжуман умумбашарий тараққиёт ҳамда минтақавий хавфсизликнинг долзарб масалаларини биргаликда муҳокама этиш учун яхши имконият бўлди.

— Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Тошкент Осиёнинг сиёсий маркази бўлиб қолмоқда. Минтақанинг энг муҳим давлати ҳисобланган Ўзбекистон учун ШХТ саммитини ўтказиш кенг ҳудудда мамлакатнинг роли ўсиб бораётганининг тасдиғи ҳисобланади. Яна шу далил ҳам диққатга молиқки, Ўзбекистон минтақада хавфсизлиқни сақлаш ва қўллаб-қувватлашга бебаҳо ҳисса қўшаётгани ҳолда, Тошкент барча қўшни мамлакатларда хавотир-уйғотадиган муаммо ҳамда масалаларга юқори даражада масъулият билан ёндашмоқда. Ўзбекистон ШХТ доирасида ҳам ана шу қатъий йўлни тутаяпти.

Ўз навбатида, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтини бош илмий

ходими, профессор Ирина

Звягельскаянинг

фикрича, ШХТ давлат раҳбарларининг учрашувлари анъанавий равишда дунё ҳамжамиятининг катта эътиборини жалб этиб келмоқда. Тошкент саммити ҳам ўзининг янада бой ва мазмундор кун тартиби билан бундан холи эмас.

— Тобора кучайиб бораётган

умумбашарий иқтисодий инқироз таъсирида оқибатини сира олдиндан айтиб бўлмайдиган хозирги халқаро вазиятда хавф-хатарларга қарши туриш масаласи юзасидан давлатларнинг амалий ҳамкорлигига бағишланган бундай олий даражадаги кўп томонлама учрашувлар жуда зарур бўлиб қолмоқда, — деди эксперт. — Ўзбекистон пойтахтидаги музокаралар мазкур йўналишдаги ҳамкорлиқни очик муҳокама этишга ҳамда хавф-хатарларнинг олдини олиш нуктаи назаридан биргаликда зарур ва муҳим чора-тадбирларни қабул қилишга имкон беради.

Мудофаа тадқиқотлари

ҳамда таҳлили институтини

(Ҳиндистон) етакчи эксперти

Мина Сингх Ройнинг

айтишича, мамлакатимизнинг ШХТдаги ушбу раислиги ташкилот тамойиллари ва асосий вазифалари амалий жиҳатдан ҳаётга тўлақонли татбиқ этилиши нуктаи назаридан муҳимдир.

— Ҳар бир саъй-ҳаракатдаги жиддийлик, вазмиллик ҳамда нуктаи назарнинг асосланганлиги Ўзбекистон раислигини бошқа мамлакатлар учун ибрат мактабига айлантирди, — деди у. — Бу даврда Ўзбекистон зиммасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш сиёсати масалаларида барча иштирокчи давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, кескинлиқнинг янги ўчоқлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, юзага келадиган муаммоларнинг ҳарбий йўл билан ҳал қилинишида ШХТнинг жалб этилишига йўл қўйилмаслигидек оддий бўлмаган вазифалар турарди. Комил ишонч билан айтманки, мамлакат оддий бўлмаган бу вазифаларни ажойиб тарзда уддалагани ҳолда, зарур қарорларни қабул қилишда пухта сиёсий тафаккур, чуқур ўйланган ва ҳар томонлама ваэмин ёндашув намунасини кўрсатдики, ташкилот келажаги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқдир.

Аниқки, ШХТдаги навбатдаги раислигини ниҳоясига етказган дундан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси ташкилот салоҳиятини янада ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий заминини мустақамлаш ҳамда унинг жаҳон майдонидидаги нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўйишда давом этади. ШХ

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тарихида унутилмас, улкан воқеалар кўп бўлган. Куни кеча Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Президентимиз Ислмо Каримов ва Си Цзиньпиннинг палатамизга ташрифи ана шундай унутилмас тарихий воқеа бўлди.

МУНОСАБАТ

Хитой Халқ Республикаси Раиси парламентда қилган нутқида Ўзбекистон Президентини раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларга жуда юксак баҳо берар экан, “Ўзбекистоннинг бой тарихи ҳамда маданиятига ҳурматим баланд. Президент Ислмо Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон барқарор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришмоқда, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ортмоқда”, деди. Юксак мартабали меҳмоннинг бу эътирофини фахр билан эшитдик. Бинобарин, дунёдаги иқтисодий салоҳияти юқори давлат бугун Ўзбекистонга ана шундай улкан бахони бермоқда.

Ушбу учрашувда Президентимизнинг сўзлари бизда, айниқса, алоҳида таассурот қолдирди. Зеро, Ўртбошимизнинг ҳар бир нутқлари юрагимизни тўлқинлантириб юборади, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ундайди, барчамизга янгича руҳ ва катта куч бағишлайди.

Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбари парламент фаолиятига жуда катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Кейинги бир ярим йил ичида тўрт марта биз, депутатлар билан учрашдилар.

Ўртбошимиз ҳар бир учрашувда ҳаммамизнинг олдимизда ўта муҳим ҳамда долзарб масалалар турганлигини, халқ вакиллари одамларнинг ишончини оқлаш учун астойдил ҳарқат қилишларни лозимлигини қайта-қайта уқтирадилар. Кеча айтилган “Халқнинг сиздан умиди катта, сизга овоз берган халқ сиздан амалий ишларни қутади”, деган сўзлари ҳам биз, депутатларни янада хушёр торттирди, шу муқаддас юрт, шу азиз Ватанни обод этиш учун чексиз фидойилик билан ишлашга ундади.

Ҳақиқатан ҳам, сайловчиларга берган ваъдаларимизни бажариш биздан улкан масъулиятни, билим ва қатъиятни, безовта юракни, сўз ҳамда иш биллигини талаб қилади. Бу соҳада ҳам Президентимиздан ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар кўп.

Зеро, мустақилликнинг биринчи қунида “Ўзбекистон

— келажаги буюк давлат”, дейилганда, қимдир ишончи, қимдир ишонмаган эди. Чунки у маҳаллар мамлакат оғир аҳволда, бир неча кунга етадиган галла захираси қолганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу сўзларни айтиш учун Ўзбекистон келажагини кўра билиш керак эди. Тўғри йўл танлай олиш лозим эди. Энг муҳими, халқни бунёдкорлик ишларига бошлай олиш талаб этиларди.

Биз бугун бугун дунёга қайта-қайта ибрат қилиб кўрсатилаётган буюк Ўзбекистонга айландик. Эришган муваффақиятларимиз жаҳон ахлининг хавасини тортаяпти, улар бизга хайрат билан бoқмоқда. Давлатимиз раҳбари йиғилишда ёдга олдилар: кеча биз Хитой қўлга киритган ютуқларга хавас қилган эдик. Чунки кеча Хитойда ўсиш суръатлари 10 — 12 фоиз бўлиб, бизни бу рақам хайратга солганди. Бугун биз ҳам бу борадаги марраларимиз билан гурурлана оламиз. Яъни охириги 11 йил мобайнида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ортиқ бўлиб келяпти. Мамлакатимиз иқтисодийётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқда. Ҳозирги кунда давлатимиз дунёдаги иқтисоди тез ривожланган бешта мамлакатнинг бири саналиши ҳам бунинг аққол тасдиғидир.

Айни пайтда олдимизда ривожланган давлатлар орасидан муносиб ўрин эгаллашдек ўта муҳим ва долзарб масалалар турибди. Ана шу вазифаларни адо этишда қуюнчақлик ҳамда фидойилик билан меҳнат қиламиз. Зеро, Ўртбошимизнинг Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги “Ўзбекистоннинг эртанги кунига қуюнадиган, керак бўлса, одамларга, халқимиз, Ўзбекистонимиз учун жонини берадиган одам депутат бўлиши лозим”, деган сўзлари юрагимизда. Депутатларимиз қонунчиликда белгиланган барча ваколатдан, айниқса, парламент назорати, шу жумладан, парламент эшитувлари, депутат сўрови институтларидан кенг ва самарали фойдаланиш борасидаги фаолиятларини янада кучайтирадилар.

Комила КАРОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

«KO'P Tarmoqli ko'chmas Mulk Savdo» MЧЖ

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич oшиб бoриш тaртибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

* Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Янгобод тумани СИБ томонидан 2016 йил 4 апрелдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Махнутлоп 4-берк кўчаси, 6-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 255,44 кв.м., қурилиш ости майдони 215,04 кв.м.дан иборат бўлган тураржой (ховли) кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

* Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган, 7 та хонадан иборат уй-жой (ховли).

Бошланғич баҳоси — 203 811 913 сўм.

2. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер майдони 19992 кв.м. бўлган (0001-литердан 0013-литергача бино-иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013-литерлардан иборат қурилмалар хужжатсиз) нотураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 923 693 852 сўм.

* Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оммавий ахборот воситалари барча жабҳада олиб борилаётган ислохотларни изчил ёритиш баробарида, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, жамоатчилик назоратини кучайтиришда, давлат ва жамият ўртасида шаффоф муносабатларни қарор топтиришда, қолаверса, юртимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида мазкур соҳани демократлаштириш ҳамда модернизация қилишга йўналтирилган, иқтисодий мустақиллигини тартибга солувчи мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Хусусан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги каби қатор қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий журналистикамизнинг замон талабларига мувофиқ ривожланишига замин яратди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори бу борадаги сазй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиққанини қайд этиш жоиз. Ушбу ҳужжатда белгиланган солиқ имтиёзлари ҳаётга татбиқ қилиниши тўғрисида 2012 йилда республикамиз оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ҳисобида 2 миллиард

400 миллион сўм миқдоридаги маблаг тежаб қолинган бўлса, 2015 йилда бу рақам 5 миллиард 176 миллион сўмни ташкил этди. Таҳририятлар ҳисобида қолаётган ана шу маблағлар журналистларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш ҳамда манфаатдорлигини оширишга, таҳририят моддий-техника базасини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга сарфланмоқда.

Маълумки, сўнгги вақтларда дунё таҳрибасида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада қонуний тартибга солинганлиги фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини белгилашда асосий мезонлардан бири сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизда мазкур масалага алоҳида ёндашилаётгани эркин ахборот маконининг мустаҳкамланишига туртки бермоқда. Буни бугунги кунга келиб, юртимизда қарийб 1,5 мингтани ташкил этаётган оммавий ахборот воситалари фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Айниқса, телекоммуникация тармоқ-

лари соҳасидаги ривожланишга реал вақт режимида бутун дунёга узатилмоқда. Шу билан бирга, интернет жаҳонни ягона ахборот майдонига айлантираётган бир вақтда нафақат ОАВ, балки давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳам интернетда ўз веб-сайтларига эга бўлиб, ахборот алмашишининг очиклиги ва тезкорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Хозирги пайтда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 12 миллион нафардан ортиб кетди. Буни халқимизнинг бой тарихи, маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини, ислохотлар натижасида ўзгариб бораётган турмуш даражасини ёритишга хизмат қилаётган замонавий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий натижаси, дейиш мумкин.

Шунингдек, миллий босма нашрларнинг аксарияти интернетдаги сайтлари орқали ахборот бозорида ўз мавқеига эга

бўлишга интилмоқда. Шунга монанд равишда журналистларимизнинг дунёқараши, билим ҳамда тажрибаси, касб маҳорати юксалиб борапти.

Демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани яна бир аҳамиятли

жиҳатдир. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини, ҳокимият ҳамда жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда оммавий ахборот воситалари ролини янада кучайтириш, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборот хизматларини фаоллаштиришнинг

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан соҳага тегишли қонунчиликни такомиллаштириш, мазкур йўналишдаги қонун ҳужжатлари устидан парламент назоратини самарали амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, журналистика соҳасидаги жаҳон тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қатор қонунларни инвентаризациядан ўтказиб, тақлифлар ишлаб чиқиш режалаштирилган. Қолаверса, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида тегишли давлат органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитиш кўзда тутилмоқда. Бу каби ишлар, ўз навбатида, соҳага доир қонунчиликни маромига етказиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш билан бирга, миллий оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот маконидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Расул КУШЕРБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН



Хурматли юртдошлар!

«Асака» банки жамоаси

мамлакатимизнинг барча журналистлари ва матбаачиларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!
Сизга узоқ умр, сиҳат-салооматлик, машаққатли ва шарофли ишларингизда улкан зафарлар тилайди!

Байрам муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги мuddатли омонат турларини таклиф қиламиз:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фoизлар ҳар oйда ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг бeрилади.

«МУСТАҚИЛЛИК — 25»

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 7 oй бўлиб, омонатга ҳисобланган фoизлар ҳар oйда ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг бeрилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатни қўлай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиаллари расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	0-371	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	0-371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	0-371	140-39-36
Юнусобод филиали	0-371	221-80-67
Сергели филиали	0-371	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	0-371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	0-374	223-60-74
Асака филиали	0-374	233-21-99
«Фарҳод» филиали	0-374	226-96-63
Фарғона вилояти филиали	0-373	244-39-14
Марғилон филиали	0-373	237-62-23
Олтиариқ филиали	0-373	432-19-80
Қўқон филиали	0-373	542-61-01
Наманган вилояти филиали	0-369	227-15-68
Навоий вилояти филиали	0-436	770-21-29
Зарафшон филиали	0-436	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	0-365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	0-365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	0-366	233-65-47
«Афросиёб» филиали	0-366	221-71-76
Қашқадарё вилояти филиали	0-375	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	0-376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	0-361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	0-362	228-14-81
Сирдарё вилояти филиали	0-367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	0-372	226-43-11

ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси жамоаси Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бўлим mudiri Абдулҳоқ Марайимовга онаси **Ҳамроҳон АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси Физика-математика кафедраси катта ўқитувчиси **Раъно ХУШБЕКОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мустақиллигимизнинг

25

йиллигига

стратегиясида инсон ва унинг манфаатлари устуворлигидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, фуқароларимиз муҳофазасини, уларнинг тинчлик, омонликда муносиб ҳамда бахтли ҳаёт кечиришдек олий ҳуқуқни юксак даражада таъминламоқда. Хусусан, ўтган чорак асрда юртимиз аҳолисини ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишга йўналтирилган тизим қайта ислоҳ қилинди, босқичма-босқич такомиллаштирилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислохотлар, иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг жадал ривож, улкан бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ шахару қишлоқларимиз буткул янгиланиб, ободликка юз тутди. Халқимиз турмуш фаровонлиги юксалди. Бинобарин, мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг тараққиёт

Фуқаро муҳофазаси: Салоҳият, самарадорлик, амалиёт

Бугунги кунда барча жабҳада эришаётган залворли ютуқларимиз қаторида, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илғор ёндашув халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани бежиз эмас. Унинг замирида чуқур ўйланган ислохотлар, тизим

ҳодимларига йўлаган табригидан таъкидланганидек, юртимизда ҳамда илғор хорижий мамлакатларда тўпланган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда, фуқаро муҳофаази курилиши бўйича ўз умрини ўтаб бўлган эскича ёндашув ва қолиплар

муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги каби қатор қонунлар амалиётга татиқ қилиниб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни, шунингдек, қутқарув хизматлари



Ўтган йигирма йил ичида мамлакатимиз қутқарув хизмати сон ва сифат жиҳатидан такомиллашди.

моддий-техника таъминотини замонавий илм-фан ютуқларига ҳамоҳанг равишда ривожлантиришга, пировардида аҳоли ҳаёти ва саломатлигини асрашга берилган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик мусомадидир.

Ер юзидида кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари, инсониятнинг табиатга салбий таъсири оқибатида кўпайиб бораётган экологик муаммолар, баъзи минтақалардаги эпидемиологик бекдорлик ҳар бир давлат олдида фуқаролар муҳофазасига доир муҳим вазифаларни қўймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, охириги йигирма йил ичида дунёда фавқулодда вазиятлар туфайли 600 минг нафардан зиёд киши ҳалок бўлган. Табиий офат, техноген ва экологик хусусиятли талафотлардан жабр кўрган ҳамда бошпанасиз қолган инсонлар эса 4 миллиард нафардан ортиқчи ташкил қилади.

Мамлакатимизда ўтган йилларда фуқароларни эҳтимолий фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш бўйича ишончли миллий тизимни яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилгани юксак натижаларни бермоқда. Шу ўринда истиқлолнинг илк кунларидан республикамиздаги Фуқаро муҳофаази штаби ва унинг жойлардаги бўлинмалари қайта қўриб чиқилиб, фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилганини таъкидлаш жоиз. Дастлаб мазкур тизим Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таркибидида Фуқаро муҳофаази ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида фаолият кўрсатган бўлса, давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 4 мартдаги Фармонига биноан, ушбу бошқарма негизда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил қилинган соҳа ривожиди янги саҳифани очди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг ўн беш йиллиги муносабати билан Президентимизнинг соҳа

дан тубдан фарқ қиладиган, ҳар томонлама пухта ўйланган, замонавий комплекс дастур асосида мутлақо янги, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ҳамда ҳаракат қилиш давлат тизими ва унинг мувофиқлаштирувчи органи фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлган мазкур тизим қирқдан ортиқ турли вазирлик ҳамда идораларни қамраб олган.

Ўтган йигирма йил мобайнида вазирлик томонидан аҳоли ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш борасида давлат сиёсатини юритиш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида аниқ, кенг қўламли вазифалар изчил рўйбга чиқарилди ва бу жараён барқарорлик касб этмоқда. Албатта, шу вақт ичида фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилган мазкур йўналишдаги ишларга замин яратаяпти. Жумладан, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан

амалга ошириши учун энг илғор “Holmatro”, “Scubapro” қутқарув ускуналари, махсус транспорт ҳамда техникалар билан таъминланди. Қутқарув автомашиналари жаҳон стандартларига жавоб берувчи транспорт воситаларига алмаштирилди.

Қувонарлиси, бугунги кунда тизимда фойдаланилаётган тезкор авария-қутқарув транспортларининг қарийб 60 фоизи Самарқанд, Андижон ва Хоразмда ишлаб чиқарилган “Isuzu”, “MAN”, “Damas” автомобилларидан ташкил толган. Махсус жиҳозланган бундай машиналар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бюрутмаси асосида илк марта 2011 йилда синов тариқасида ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида миллий автомобилсозлик санати махсусотлари барча стандартга жавоб бериши ҳамда ҳар томонлама қулайлигини намойён қилди. Дарвоқе, мазкур қутқарув автомашиналаримизда дунё миқёсида қизиқиш ортиб бормоқда. Кўплаб халқаро ташкилотлар, Марказий Осиё ва Европа давлатларининг Ўзбекистон қутқарув-транспорт воситаларини харид этиш учун шартномалар имзолаётгани ҳамда улардан андоза олиш таклифи-ни билдираётгани бунинг яққол исботидир.

Дарҳақиқат, мустақиллик



Мустақиллик йилларида фуқаро муҳофазаси соҳасидаги моддий-техника таъминоти замон талаблари даражасида бутунлай янгиланди.

йилларида мамлакатимиз қутқарув хизмати ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан мустаҳкамланди. Қутқарувчилар сафига маҳалли спортчилар, доворак, шижоатли ёшлар жалб қилинди. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобида Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Чирчиқ шаҳрида махсус қидирув-қутқарув қисми, “Қамчиқ” домини қидирув-қутқарув отряди ташкил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги авария-қутқарув гуруҳлари кенгайтирилди. Барча бўлинмадаги шарт-шароит янгиланди. Кинология, сувда қутқариш хизматлари, республика ғаввослар мактаби очилди. Махсус ўқув миноралари ва спорт тренажёрлари яратилди.

Ўтган даврда авария-қутқа-

зиятлар оқибатларини енгилаштириш аҳоли кенг қатламининг тайёргарлик даражаси билан узвий боғлиқ. Шу маънода, юртимиздаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар билан фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатувчи ўйин тарзидаги машғулотлар йўлга қўйилгани, умумтаълим мактабларида “Хаёт хавфсизлиги”, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида “Хаёт хавфсизлиги асослари” курслари ўқув дастурларига киритилгани мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, “Ўзгидромет” маркази, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳодимлари билан ҳамкорликда республикамизда-



лишидаги “Қамчиқ” домини эса Буюк Ипак йўлининг асосий “қон томир”ларидан бири саналади.

Мазкур доvon республикамизни хориж мамлакатлари билан боғлабгина қолмай, муҳим сиёсий-иқтисодий ва стратегик аҳамиятга ҳам эгадир.

Бу доvon йўли йил давомида серкатнов бўлиб, ёз кунлари автотомоистрал йўналиши бўйлаб бир кеча-кундузда ўн беш мингтадан йигирма беш минггача турли русумдаги транспорт воситалари қатнови кузатилади. Қиш мавсумида ушбу ҳудудда оппоқ қорли тоғлар чўққисидан қўшнинг заррин нур сочиб турганини кўрсангиз, зум ўтмай, қўшли лаҳзалар қаҳратон изғиринига, қор бўронига айланиши мумкин. Натижада йўлларнинг қор билан қопланиши, улкан қоялар устидан қор қўчқиларининг ўпирилиб тушиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келади. Шу нуқтаи назардан, вазирлик томонидан эҳтимолий фавқулодда вазиятларда фуқароларга зарур кўмак бериш мақсадида доvonнинг энг баланд қисми (“Тошкент — Ўш” йўлининг 173 километрида) “Қамчиқ” қидирув-қутқарув отряди фаолияти йўлга қўйилди.

Тоғлиқлар ёнбағрида Фав-



Қутқарувчилар ҳар қандай об-ҳаво шароитида фуқаролар муҳофазасини таъминлаш салоҳиятига эга.

Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари қошидаги қайта тайёрлов марказлари томонидан ишлаб чиқаришда хавфли киёмий моддалар, ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган иқтисодий объектлар атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар таснифи, ана шундай вазиятларда тўғри ҳаракатланиш мавзуларида доимий ўқув-машғулотлар ўтказиб келинаётир. Шунингдек, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи хизматларнинг куч ҳамда воситалари ва қутқарув тузилмаларининг профессионал маҳоратини ошириш учун тегишли тартибда қўмондонлик-штаб ҳамда махсус-тактик ўқув машқули ташкил этилмоқда. Охириги беш йилнинг ўзида вилоятларда 177 та қўмондонлик-штаб, республикамиздаги йирик иқтисодиёт объектларида 23 минг 200 дан ортиқ махсус-тактик ўқув машқули ўтказилди.

Чиндан ҳам, фавқулодда ва-

ривожланиши натижасида кўплаб талафотларнинг олди олиниб, юзлаб инсонларни хавф-хатардан асрашга эришилмоқда. Бунинг далили сифатида 2012 йил 18-19 февраль кунлари Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманида юз берган фавқулодда вазиятни ёдга олайлик. Ўшанда кўп ёнғингарчилик сабабли қир-адирликлардаги қорларнинг тез эриши оқибатида юзага келган сел оқими Қорасарой сойининг тошишга сабаб бўлиб, тумандаги Жума, Қоризқудук, Оқтош ва Ўрта қишлоқларининг сой бўйида жойлашган аҳоли уй-қойлари ҳамда экан майдонларига жиддий зарар етказган эди. Мумкин, ўз вақтида қўрилган тезкор саёй-ҳаракатлар натижасида одамлар ҳаёти сақлаб қолинди. Маҳаллий аҳоли хавфсиз ҳудудларга қўчирилиб, уларнинг турмуш фаолияти учун зарур барча шарт-шароит яратиб берилди.

Маълумки, мамлакат иқтисодий юксалишини йўлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. “Тошкент — Ўш” автомобиль йўна-

қулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи вазирлик ҳамда идоралардан тузилган механизациялашган гуруҳлар кечаю кундуз иш олиб бормоқда. Бу ерда 2014 йили “Идоралараро бирлашган штаб” биноси фойдаланишга топширилган, доvon орқали автомобил хавфсиз ва йўловчиларнинг бошқарув ҳаракатланишини таъминлаш чора-

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, ўзгалар дардида бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўла олмайди. Чунки қутқарувчилик — оддий касб эмас, балки инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демокдир. Шуниси аниқки, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — аҳоли ҳамда ҳудудларни турли табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш самарадорлиги мазкур соҳа ҳодимларидан янада маъсулият ҳамда фидойиликни талаб қилади. Миллий тараққиётимизнинг муҳим омили ҳисобланган тинчлик ва оқсоийшатикини асраш ниҳоятда долзарб ҳамда асосий вазифага айланган ҳозирги мураккаб замонда буни чуқур ҳис этиб, фуқароларимиз муҳофазаси ва она-Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишдек олий бурчимизни шараф билан адо этмоғимиз шарт.

Турсинхан ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазир.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳих — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6